

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙМУРОДОВА ХУРИЯТ МУХИДДИНОВНА**

**НОДИР НОРМАТОВНИНГ БАДИИЙ  
МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Худоймуродова Хурият Мухиддиновна**  
Нодир Норматовнинг бадиий маҳорати ..... 5

**Khudoymurodova Khuriyat Mukxiddinovna**  
Artistic skills of Nodir Normatov..... 23

**Худоймуродова Хурият Мухиддиновна**  
Художественные мастерство Нодира Норматова..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
**List of published works**  
**Список опубликованных работ..... 45**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХУДОЙМУРОДОВА ХУРИЯТ МУХИДДИНОВНА**

**НОДИР НОРМАТОВНИНГ БАДИИЙ  
МАҲОРАТИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ [PhD]  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil963 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг [www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳамдамов Улуғбек Абдувахобович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Тўраев Дамин**  
филология фанлари доктори, профессор

**Носиров Азмиддин Нормаматович**  
филология фанлари доктори

**Етакчи илмий ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги «\_\_\_» рақамли реестр баённомаси).

**Н.Н.Шодмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д.

**Г.Н.Тожиева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, филол.ф.ф.д.(PhD)

**Б.Йўлдошев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
ўринбосари, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида ижодий жараён ва бадий маҳоратнинг узвийлиги, асарда воқеланиш асослари, унинг ўзига хос тили, шакл ва тасвирий воситалардан фойдаланишдаги индивидуаллиги ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратилган. Бадиийлик ягона бир мезон ва ўлчовларга, қолипларга эга эмаслиги сир эмас. Адабиётшунослик фанида бадиият мезонлари ҳақида қатор илмий-назарий ёндашувлар мавжуд. Умуман, ҳар бир ижодкор ўзига хос бадий оламга эга. Ижодкорнинг биографик маълумотлари унинг асарида акс этиши, индивидуал услубда намоён бўлувчи омилларни аниқлаш, услубнинг ўзига хос поэтик категория эканлигини кўрсатиш, образ, асар тили каби қатор муаммоларни яхлит тизим ҳолида тадқиқ этиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё адабиётшунослигида ижодкор услубини, поэтик маҳоратини белгиловчи омиллар сифатида у яшаган ижтимоий-сиёсий, адабий муҳит, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши каби масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда замонавий жаҳон адабиётшунослиги ижодкорнинг бадий маҳоратини ўрганиш асосида поэтика илмининг янги қирраларини кашф этишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, замонавий адабиётшуносликда индивидуал услуб ва поэтик маҳоратни жанрлар ва шакллар ранг-баранглигида илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш зарурати сезилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бадий адабиётни ижодий-индивидуал услуб нуктаи назаридан тадқиқ этиш борасида кўпгина ютуқларга эришилди. Ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида бадий асарни таҳлил қилиш, ижодкорнинг поэтик маҳоратини ёритишда жаҳон адабиётшунослигининг турли тадқиқот методлари асосида ёндашилмоқда. Ўзбек адабиётининг таниқли вакили Нодир Норматовнинг ижодий меросини монографик тарзда ўрганиш, асарларидаги бетакрор фазилатлар ҳамда адибнинг бадий маҳоратини тадқиқ этиш адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардандир. Адиб ижодининг энг муҳим жиҳатлари сифатида унда халқ оғзаки ижоди элементлари намоён бўлиши, миллий қадрият ва анъаналарнинг акс этишини таъкидлаш лозим. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»<sup>1</sup>. Зотан, адабиётшуносликда бугунги глобаллашув даврида унинг миллий ва умуминсоний қадриятларни тараннум этувчи жиҳатлари хусусида муайян ижодкор ҳаёти ҳамда ижоди мисолида тадқиқот олиб бориш ўрганилаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017 йил 4 август.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сонли Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Нодир Норматов ижоди ҳақида қатор мақолалар, асарларига тақризлар битилган бўлса-да, алоҳида монографик шаклда ўрганилган эмас. Адиб ижоди ҳақида адабиётшунослигимизда Н.Худойберганов, У.Норматов, И.Ғафуров, А.Улуғов, И.Ёқубов, Ш.Давронова, С.Тўлагановалар<sup>2</sup> ўз муносабатини билдирганлар. И.Якубов ва Ф.Ҳажаеваларнинг диссертацияларида<sup>3</sup> Нодир Норматов ижоди қўйилган масалаларни ўрганиш учун маълум даражада манба бўлиб хизмат қилган. Ушбу тадқиқот эса адиб ижодини илк бор махсус ўрганишга бағишланган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Термиз давлат университетининг «Ҳозирги адабий жараён масалалари» мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Нодир Норматов насрига хос бадиият қирралари, унинг ижодий лабораторияси масалаларини очиб беришдан иборат.

---

<sup>2</sup> Худойберганов Н. Таърифу тавсифнинг ўзи етмайди / Ишонч. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б.66-85; Норматов У. Икки ҳикоя таассуроти / «Китоб дунёси» газетаси, 2015 йил 6 май; Ғафуров И. / Нодирнинг ойтоши ёки Сурхон руҳи / Норматов Н. Бисот: кассалар, ҳикоялар – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.3-6; Шу муаллиф. Кўнгил кошонасига сайрлар / Норматов Н. Кўзгудаги икковлон. – Тошкент: «O'zbekiston», 2012. – 3-9; Улуғов А. Улуғ рассом ҳақида роман //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009, 27-сон; Шу муаллиф. Маънавий малҳам ёхуд захармуҳра / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.52-131; Шу муаллиф. Зулайхо дарахтини биласизми ёхуд ўзини излаётган одам / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.132-159; Ёқубов И.Муаззам шажаранинг генетик кодлари / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.35-51; Давронова Ш. Анъана ва ўзига хос ижод / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.179-189; Тўлаганова С. Соғинч суврати / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.160-164.

<sup>3</sup> Якубов И. Мустақиллик даври романлари поэтикаси. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. – 71 б.; Ҳаджаева Ф. Биографик роман жанри хусусиятлари (Ирвинг Стоун ва ўзбек ёзувчилари асарлари мисолида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2018.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Нодир Норматов ижодида автобиографик унсурларнинг акс этиши масаласини ёритиш;

ёзувчи ижодида миллий анъана ва қадриятларнинг бадиий инкишофини ўрганиш;

адиб ижодида анъанавийлик ва фольклоризмнинг акс этиши масалаларини тадқиқ этиш;

ижодкор ҳикояларининг мавзулар кўлами, уларда мавзу ва тасвир, болалик олами, олам ва одам тасвири каби хусусиятларни таҳлил қилиш;

адиб қиссаларида услуб муаммоларини ўрганиш;

адибнинг романчиликдаги ижодий изланишларини ёритиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Нодир Норматовнинг «Бисот» сайланмаси, «Кўзгудаги икковлон» романи, «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» роман-эссеси танланди.

**Тадқиқот предмети**ни Нодир Норматов асарлари таҳлили ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва талқиннинг психологик, социологик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Нодир Норматов ижодида халқ оғзаки ижоди элементларининг таъсири масалалари аниқланган;

адиб ижодида бадиийлик, ҳужжатлилик, психологик таҳлил, эмоционаллик, адабий ассоциатив хусусиятни ёритиш белгилари аниқланган;

ижодкорнинг халқона ифода усули, аниқлик, образлилик, тилнинг соддалиги каби унсурлардан образларни индивидуаллаштиришда фойдаланиш маҳорати очиб берилган;

адиб ижодий йўлининг асосий қирралари ҳамда асарларида автобиографик унсурларнинг акс этиши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Н. Норматов асарларининг маъно-моҳияти ва бадииятини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар адабиётшунослик учун янги илмий-назарий маълумотлар бериши, ҳозирги адабий жараён, адабиёт назарияси каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилиши илмий ва амалий жиҳатдан асосланган;

Н.Норматов асарларида миллий қадрият ва удумлар, урф-одатлар, халқ тилининг унутилиб кетилаётган сўз ва ибораларининг акс этиши, улар орқали бугунги кун ўқувчисига азалий анъаналарга ҳурмат билан қараш, эъзозлаш руҳи билан тарбиялаш муҳим омил эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** Республикамиз ҳамда хорижлик олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни таснифлаш, социологик, аналитик, биографик таҳлил каби методлар орқали далилланганлиги, адабиётшунослик методологияси асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалардан истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини яратишда, адабиёт назарияси фанининг бадиий шартлилик, биографик метод масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан Нодир Норматовнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ва тўлдиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабиётшунослик назарияси», «Бадиий таҳлил асослари», «Янги ўзбек адабиёти» фанлари бўйича олий таълим муассасаларида филологик йўналишлардаги талабаларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, маърузалар ўқиш, шунингдек, адабиёт фани бўйича академик лицей ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларига истиқлол арафаси ва истиқлол даври ўзбек адабиёти, адабий жараён бўйича машғулотлар олиб бориш, семинарлар ташкил этишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нодир Норматовнинг бадиий маҳоратини тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида:

ижодкорнинг халқона ифода усули, поэтик образ яратишдаги ўзига хос услуби, аниқлик, образлилик, тилнинг соддалиги, каби унсурлардан образларни индивидуаллаштиришда фойдаланиш маҳорати доир тадқиқот натижалари Ф-1-06-рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқ-у Ғарб адабий анъаналари синтези» номли лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 8903-4542-сон маълумотномаси). Бунинг натижаси эса ҳозирги китобхонга ижодкор услуби ва руҳий оламини чуқурроқ англаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилган;

Нодир Норматов ижодида халқ оғзаки ижоди элементларининг таъсири масалалари доир илмий натижалардан ОТ-АІ-46 рақамли «Адабиётшуносликнинг назарий курслари бўйича ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш» илмий лойиҳа ишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 8903-4542-сон маълумотномаси). Натижада «Адабиётшуносликка кириш» курсидан амалий машғулотлар» номли услубий қўлланмани тайёрлашда бадиий наср жанрларига берилган таърифлардаги фарқларни ёритувчи адабиётлар обзори ва иллюстратив материал қисми яратилган.

Нодир Норматовнинг ижодий фаолияти, адибнинг бадиий маҳорати, услуби каби масалаларини ёритишда Сурхондарё телерадиокомпанияси «Янги аср» радиосининг «Адабиёт гулшани» эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2019 йил 9 октябрдаги 01-01/336-сон маълумотномаси). Натижада дастурда таҳлилларнинг жонли ва қизиқарлилиги, ҳозирги адабий жараён масалаларини радио орқали очиқ берилишига эришилган.



**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 134 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Давр руҳи, ижодкор шахсияти ва поэтик тафаккурнинг янгилиниши**» деб номланган бўлиб, икки фаслдан иборат. «*Нодир Норматов насрида муаллиф биографияси, адабиётшуносликда ўрганилиши масалалари ва давр руҳининг бадиий талқини*» деб аталган биринчи фаслида Нодир Норматовнинг ижодий йўли, адабиётшуносликда ўрганилиши масалалари ёритилади. 70-80-йиллар адабий авлоди дея ном олган М.М.Дўст, Т.Мурод, Х.Султонов, Э.Аъзам, Н.Нормат каби носирлар адабиётга янгича оҳанг ва жозоба олиб кирди. М.М.Дўст ва Э.Аъзам ижодида воқеликка муносабатда киноявийлик, Т.Мурод ижодидаги миллий оҳангларга бой достонона услуб, Х.Султон асарларидаги лирик руҳ устуворлиги билан бир-биридан фарқ қилади. Бу носирлар ичида Нодир Норматов ижоди ўз услуби ва оҳанги билан алоҳидалик касб этади. Адиб ижодида реализмнинг кенг имкониятлари, серқатламлилиги яққол намоён бўлади. Унинг ижодида халқ оғзаки ижоди бадиий шартлилик воситалари кўринишлари, сеҳрли реализм унсурлари сезилади. Н.Норматов ҳаёт ҳақиқатларини бадиий акс эттиришда реалликка, яъни ҳужжатлиликка асосланади. Нодир Норматов Сурхон воҳасининг Пошхурд қишлоғида таваллуд топган. Адиб ўзи туғилиб ўсган масканни адабий макон сифатида олади. Унинг қаҳрамонлари шу ер одамлари. Ёзувчининг болалик хотиралари, кўрган-билганлари адабий материал бўлиб хизмат қилган. Адиб ижоди ҳақида унинг илк асарлари эълон қилинган вақтдаёқ адабиётшунослар ва танқидчилар томонидан фикрлар билдирилган.

Истиклол йилларидан кейин ҳам адиб фаол ижод қилди. У нафақат ёзувчи, балки санъатшунос, фоторассом сифатида ҳам фаолият юритди. Шунинг учун бўлса керак, адиб кейинчалик адабий ижод билан шуғуллана олмади. Аммо уларнинг ҳар бирини бақамти олиб борди. Кейинги йилларда эса унинг янги ҳикоялари, «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» роман-эссеси ва «Зулайҳо дарахти» романи чоп этилди.

Нодир Норматовнинг 2008 йилда «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» роман-эссеси, 2012 йилда қисса ва ҳикоялари жамланган «Бисот» сайланмаси ва 2013 йилда «Кўзгудаги икковлон» романи чоп этилган эди. Ушбу асарлар ҳақида адабиётшунослар томонидан қатор тақриз ва тадқиқотлар яратилди. Хусусан, Умарали Норматов адибнинг «Бир куни чумоли бўлиб...» ва «Кўча эшикнинг нақшин гуллари» ҳикоялари таҳлилига бағишланган «Икки ҳикоя таассуроти»<sup>4</sup> номли мақоласини эълон қилди. Муаллиф мазкур икки ҳикоя таҳлили орқали Нодир Норматов бадиий оламига назар ташлайди.

Иброҳим Ғафуров адибнинг «Бисот» сайланмаси ва «Кўзгудаги икковлон» романига сўзбоши ёзган. «Нодирнинг ойтоши ёки Сурхон руҳи»да адиб ижодининг лейтмотиви очиб берилган. Очиғини тан олиш керакки, Нодир Норматовнинг ижоди адабиётшунослигимизда атрофлича ўрганилган эмас. Адиб вафотидан кейин матбуотда эълон қилинган унинг ижоди ҳақидаги мақолалар ва суҳбатлар жамланган «Нодир Норматов. Ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида» тўплами нашр этилди<sup>5</sup>. Унда адибнинг ижоди, асарлари таҳлилига бағишланган қатор тадқиқотларни кўришимиз мумкин. Бу тадқиқотлар адиб ижодий олами ва бадиий маҳоратининг маълум бир қирраларини очиб беришда муҳим ўрин тутди. Бу ишлар адиб ижодини кенг планда ўрганишда ўзига хос туртки, калит вазифасини бажаради.

Муаллиф шундай ёзади: «Нодирнинг қаҳрамонлари табиат қучоғида яшаб, албатта, ундан мўъжиза қидирадилар, мўъжизаларга чин юракдан ишонадилар. Сирли балиқлар, фусункор мовий ёнғоқлар, кўк тошлар, уч юз-беш юз йиллик дарахтлар, юз минг йиллик чумолиларнинг, қушларнинг тилга кириши, одам билан сеҳрсоз мулоқотларда коинот ва кўҳна ҳаёт жозибаларини очишга уринишлар – булар ҳам Нодирнинг табиий бадиий тилида ўз фусункор ечими ва оҳанграбо урғусига эга»<sup>6</sup>.

Ҳақиқатан, Нодир Норматов ижодига назар ташланса, уларда инсон ва табиат муносабатлари, бутун борлиқнинг сир-синаотлари, одам илғамас мўъжизалари акс эттирилган. Аслида, адабиётнинг бош вазифаси ҳам бадиий образ ва образлилик, улардаги реаллик муносабатлари, дунёқараш ва бадиий асарни қабул қилиш жараёнларини китобхонга етказиш эмасми? Нодир Норматов ижодининг «асосий босим»и табиат ва ундаги сирлиликка қаратилган бўлса-да, бош қаҳрамон, аслида, инсон образидир. Тўғри, айрим асарлар борки, уларда инсон образи яратилган эмасдек. Лекин, аслида,

<sup>4</sup> Норматов У. Икки ҳикоя таассуроти / «Китоб дунёси» газетаси, 2015 йил, 6 май.

<sup>5</sup> Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида: мақолалар, тақризлар, адабий суҳбатлар. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – 386 б.

<sup>6</sup> Ғафуров И. Нодирнинг ойтоши ва Сурхон руҳи / Н.Норматов. Бисот: қиссалар ва ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.5-6.

уларда ҳам мажозий равишда инсон ҳаёти, тақдири, туйғулари ҳақида сўз боради. Эсланг: Нодир Думбадзенинг «Бронза тўнғиз», Тургеновнинг «Муму», Саид Аҳмаднинг «Қоракўз Мажнун», Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари», Туроб Тўланинг «Дўнан» асарлари марказида ҳайвонлар образи турса-да, аслида, улар инсонлаштирилган (инсондек ўйлайди, кулади, йиғлайди). Инсон билан дўстлашади, яхшилик қилади, туйғуларини кўрсата олади.

Нодир Норматов ижодини ўрганишда Абдулла Улуғовнинг тадқиқотлари алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тўпламда унинг «Маънавий малҳам ёхуд захармуҳра» ва «Зулайҳо дарахтини биласизми ёхуд ўзини излаётган одам» тадқиқотлари киритилган. Ҳажман каттароқ бўлган «Маънавий малҳам ёхуд захармуҳра»да Н.Норматовнинг «Бисот» тўпламига киритилган қисса ва ҳикоялари таҳлилга тортилган. Муаллиф Н.Норматов ижодининг умумий манзараси, инсон ва табиат муносабатларини бадиий акс эттириш маҳорати, адиб услуби, эстетик қарашлари каби масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Тадқиқотчининг мана бу мулоҳазаларида адиб ижодининг асосий жиҳатлари акс этади: «Нодир Норматов ўзи кўрган, кузатган, таъсирланган воқеаларни қаламга олади ва майда тафсилотларга берилиб кетмасдан, ҳодисалар кечаётган замон ва маконнинг энг муҳим деталларига эътибор қаратади. Замон ва макон манзарасини чизишда энг эътиборли жиҳатларини топа билиш эса ижодкорнинг воқелик моҳиятини, қаҳрамонлар ҳолати, кечинмасини аниқ ҳис этганини билдиради. Нодир Норматовнинг қисса, ҳикояларида айни хусусият бўртиб туради. У асарларида воқеликни худди кўриб тургандек ифода этади. Шу боис, айни манзара ўқувчининг тасаввурларида ҳам жонланади»<sup>7</sup>. А.Улуғовнинг мазкур тадқиқотлари кўпроқ тавсифий-таҳлилий характерга эга. Чуқур илмий-назарий қарашлар етишмагандек таассурот уйғотади. Мазкур таҳлилларнинг ҳаммасида асосли ва баҳсли нуқталарнинг мавжудлиги шубҳасиз. Чунки, бадиий асарда шакл ва мазмуннинг бир бутун мавжудлиги, шунингдек, шакл ва мазмун компонентларини тасниф қилишда ҳали-ҳануз бир хилликнинг йўқлиги мазкур тадқиқотнинг «характери»ни тўлақонли асослаб бера олади.

Адибнинг «Бир куни чумоли бўлиб...» ҳикояси адабиётшунослигимизда энг кўп баҳсларга сабаб бўлган. Тадқиқотчи Ш.Давронова ҳам мазкур ҳикояни тадқиқ этар экан, уни Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асаридаги «Сулаймон ва қаринчқа» ҳикояти билан қиёслаб ўрганайди<sup>8</sup>. М.Қўчқорова ва Ш.Давроноваларнинг тадқиқотларида Н.Норматовнинг «Бир куни чумоли бўлиб» ҳикояси турли ракурсларда ўрганилади. Уларда ҳикоя ҳақида янгича мулоҳазалар, гипотезалар кўзга ташланади. Ҳикоя жаҳон адабиётшунослиги контекстида тадқиқ этилади ва хулосалар чиқарилади. «Бир куни чумоли бўлиб» ҳикоясининг моҳиятини модернистик, новаторлик руҳи очиб бера олган. Чунки, ижоднинг яна бир муҳим унсури – тасаввурдир. Зеро,

<sup>7</sup> Улуғов А. Маънавий малҳам ёхуд захармуҳра / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида: мақолалар, тақризлар, адабий суҳбатлар. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.55.

<sup>8</sup> Давронова Ш. Анъана ва ўзига хос ижод / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида: мақолалар, тақризлар, адабий суҳбатлар. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б.179-189.

Н.Норматовнинг «Бир куни чумоли бўлиб» ҳикояси ҳодисот-у мўъжизаларга, турли ҳаётий ҳолат-у турфа тақдирларга, анвойи феъл-сажияли қаҳрамонларга бойлиги билан ажралиб туради.

Бобнинг «Менинг тош дostonларим» туркуми ҳикояларида автобиографик унсурлар талқини» деб номланган иккинчи фаслида бу туркумга кирувчи ҳикояларда адиб автобиографиясининг акс этиши масалалари ёритилган. Ҳикоялардаги тош оддий, жонсиз ашёгина эмас, балки унда табиатнинг қандайдир илоҳий кучи яширинганлигига гувоҳ бўласиз.

«Менинг тош дostonларим» туркуми ҳикояларида тош деталь вазифасини бажарган. У ҳар бир ҳикояда муаяян миссияни бажарган. Жумладан, «Тошкориз» ҳикоясида тошкориз аслида бутун давр кирдикорларини, кирларини, оғриқларини, зулумотларини бағрига олган, унга тилсиз гувоҳ бўлган рамзий тимсол вазифасини бажарган. Ёзувчи ҳаётда содир бўлган, ўзи гувоҳ бўлган воқеалар орқали мустабид тузум даврининг бор ҳақиқатларини, одамлар руҳиятини рўй-рост кўрсатади. Ҳатто ўз отаси билан боғлиқ лавҳаларда ҳам ҳақиқатдан чекинмайди. «Тошкориз» ҳикоясини ўқир экансиз, даврнинг энг қора кунларини ўз кўзи билан кўрган, жангда ўлим билан ҳар қадамда юзма-юз келган, умр йўлдошидан айрилган ота гўё ўз алам ва изтиробларини, армонларини тошкоризга ташлаётгандек, кўмаётгандек таассурот уйғотади, кишида.

«Сайфи ака» ҳикояси ҳам адибнинг болалик хотиралари асосида ёзилган. «Тош билан боғлиқ хангомалар, воқеалар болалигимда кўп рўй берган»<sup>9</sup> деб бошлайди ҳикояни муаллиф. Тўйга кетаётганда бола(адиб)ни машинасидан тушириб қолдирган Сайфи ака у томонидан тош билан «сийланади». Энг муҳими эса, орадан кўп ўтмай Сайфи аканинг қаттиқ касал бўлиб қолиши. У касал бўлишини болани ранжитганида деб билади ва ўз «айб»ини ювиш учун унга ҳадя беради. Шу воқеликдан сўнг Сайфи табиатида ўзгариш бўлади. «Панжи» ҳикоясида ҳам тош билан боғлиқ воқеа асос вазифасини бажарган. Воқелик болалик хотиралари асосида берилади. Шоира Дониёрова ёзади: «Ҳар икки асарда (**«Сайфи ака» ва «Панжи»** – Ҳ.Х.) ҳам тош детали орқали инсон табиатидаги иллатлар, фазилатлар халқ орасидаги турли қарашлар билан боғлаб ифодаланади ва адиб фантазияси билан уйғунлаштириб тасвирланади»<sup>10</sup>. Адибнинг «Сайфи ака» ва «Панжи» ҳикоялари кўпроқ тасвирдан кўра баён характериға эга. Худди асар якуни, тугуни йўқдек. Ёзувчининг мақсади, инсон характерининг ўзгарувчанлигини кўрсатишми, ё ҳикоядаги деталнинг восита эканлигини асар руҳига сингдиришми? Лекин улардаги воқелик Ш.Дониёрова таъкидлаганидек, адиб фантазиясининг маҳсули эмас. Бу ҳикоялар ёзувчи ўзи кўрган ва бевосита иштирок этган воқеаларнинг акс этишидир. Биламизки, бадий асар – систем бир бутунликдир. Системада эса, муносабат ва алоқадан ташкил топган бутунлик тушунилади. Н.Норматовнинг «Сайфи ака» ва «Панжи» ҳикояларидаги

<sup>9</sup> Норматов Нодир. Сайфи ака / Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. –Б.342.

<sup>10</sup> Дониёрова Ш. Адиб ҳикояларида «тош» образининг бадий қатламлари / Нодир Норматов ҳаёти ва ижоди замондошлари нигоҳида: мақолалар, тақризлар, адабий суҳбатлар. – Тошкент: «San'at» журнали нашриёти, 2017. – Б. 31.

система унсурларининг моҳияти бутун таркибда намоён бўлган. Айтмоқчимизки, баёнчилик ушбу икки ҳикояда ҳам биографик методнинг кучсиз кўринишини намоён қила олган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Адиб ҳикоя ва қиссаларининг жанр, услуб ва тасвир маҳорати**» деб номланиб, у ҳам икки фаслдан иборат.

Бобнинг «*Ёзувчи ҳикояларининг жанрий ўзига хослиги, миллийлик ва қадриятлар инкишофи*» номли биринчи фаслида адиб ҳикоялари таҳлилга тортилган. Агар адабиётимизда Шукур Холмирзаев ва Эркин Аъзам Бойсун, Тоғай Мурод Хўжасоат миллий колорит белгиси бўлса, Нодир Норматов ўзи туғилиб ўсган Пошхурд миллий колоритини ўз асарларида тасвир этди. Унинг деярли барча асарларида Пошхурд ва пошхурдликлар образи, уларнинг турмуши, ўй-кечинмалари, орзу-армонлари тасвирига дуч келамиз.

Адиб ижодида реализмнинг кенг имкониятлари, серқатламлилиги яққол намоён бўлади. Унинг ижодида халқ оғзаки ижоди бадиий шартлилик воситалари кўринишлари, сеҳрли реализм унсурлари сезилади.

«Қишлоқ прозаси» Н.Норматов ижодида муҳим ўрин тутди. Адибнинг дастлабки ҳикояларидаёқ «шукшинона» руҳ кузатилади. Юлдуз Ҳошимова таъкидлаб ўтганидек, «Василий Шукшин ўз асарларида қишлоқ ҳаётини ҳаққоний, борича тасвирлайди. Бу муаллифнинг оддий инсонлар турмуш тарзини яхши билиши, тили ва дилини диққат билан кузатгани боисидир. Адиб битган сатрларда руҳий олам бойлиги, умуминсоний қадриятлар бирламчи аҳамият касб этади. Шукшиннинг аксарият қаҳрамонлари оддий меҳнаткашлар, деҳқонлар бўлиб, ҳар бири ўзига яраша феъл-атворга эга, нордонгина тил-забонли кишилар. Баъзи қаҳрамонлари бир қадар ҳардамхаёл, ўз оламида яшайди, бошқалари эса қандайдир жасорат кўрсатишга мойил»<sup>11</sup>. Масалан, унинг «Чол, қиз ва офтоб»<sup>12</sup> ҳикоялар тўпламига кирган ҳикояларида айнан қишлоқ ҳаёти ва одамлари тасвирланган.

Бу, айниқса, ижодкорнинг «Қўҳитанг ҳикоялари» тўпламига киритилган ҳикояларда яққол намоён бўлади. Бу тўпламга киритилган ҳикояларнинг асосий мавзусини қишлоқ ҳаёти, бу ер одамларининг дард-у қувончи, орзу ва армонлари ташкил этади. Н.Норматов Қўҳитанг тоғолди қишлоқлари одамлари ҳаётини тасвирлайди, чунки адиб бу ерларни жуда яхши билади, болалиги шу жойларда кечган.

Н.Норматовнинг «Бир куни чумоли бўлиб...» ҳикояси бадиий шартлилик асосида яратилган. Ҳикояда асар қаҳрамони ва чумоли ўртасидаги мулоқот асносида инсоннинг туйғулари, кечинмалари, давр оғриқлари тасвирига дуч келамиз. Ёзувчининг «Кар момо» ҳикоясида инсоннинг маънавий қиёфаси, муносабатлардаги зиддиятлар тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамони Мадийёр туман алоқа бўлимида совға-саломларни манзилига етказиш билан шуғулланади. Кунларнинг бирида совға-саломларни жойлаштириш асносида қоқилиб кетади. Шу пайтда совғалардан бири йиртилиб, улар орасидан тивит рўмол кўриниб қолади. Мадийёр хотинининг ўғлига қарайдиган энагаси Норхол

<sup>11</sup> <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/vasilij-shukshin-ikki-maqola.html>

<sup>12</sup> Шукшин Василий. Чол, қиз ва офтоб: Ҳикоялар/Ўткир Ҳошимов ва Хайридин Султонов таржимаси. – Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 175 б.

кампирага тивит рўмол зарурлиги ва имкони бўлса топиб бериши ҳақидаги гаплари ёдига келиб, фикрлари чалғиб кетади. Шу жараёнда унинг фитратида ички «кураш» кечади. Ёзувчи ана шу кураш жараёнини воқелик жараёнида тасвирлаб беради. Бошлиғи билан бир кунлик дам олишга борган Мадиёр узум олиб келиш сабаб Кар момо билан учрашади. У билан суҳбат асносида ўғлининг энагаси Норхол кампир ва Кар момо ўртасидаги адоват тарихини, энага аслида чайқовчилик билан шуғулланишини, тивит рўмол сотишини билиб олади: «Ана Норхол кампир ким экан! У боласининг тарбиясини кимларга ишониб қўйибди?» Бир талончи, чайқовчи кампирга. Бундан ортиқ ахлоқлик бўладими? Нега суриштирмай-нетмай боласини шу кампирга топширди? Дунёда Кар момодай кампирлар бор-ку. Нега у шундайларни изламайди?»<sup>13</sup>

Шу воқеа сабаб бўлиб, Мадиёр тивит рўмолни олиш фикридан, яъни «жиноят» – ўғирлик қилишдан ўзини сақлаб қолади. Адиб мазкур ҳикоя орқали инсоннинг нафси нопок ишларга бошлашига ишора қилади. Мадиёр Кар момо сабаб ўғирлик қилиш фикридан қайтади. Инсон маънавияти билан алоқадор муаммолар, ижтимоий ва ахлоқий масалалар билан уйғунлиги «Кар момо» ҳикоясида намоён бўлади. Бир қарашда Норхол хола бойликка муккасидан кетган образ сифатида тасвирланади. Кар момо ҳам жун рўмол тўқиб, уни пуллайди. Демак, ҳар иккала кампирларни ҳам мол-дунё қизиқтиради деган фикр туғилади. Тўғри, ҳикоя яратилган давр, муҳит ва тузум нуқтаи назаридан олинганда, ўша пайтларда бугунги тижоратчилик чайқовчилик дея жиноятнинг бир тури сифатида қаралган. Ёки тадбиркорлик қилиш ҳам, ортиқча давлат йиғиш ҳам мумкин бўлмаган. Лекин бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қаралганда, ҳар икки ҳолатга ҳам ижобий қаралаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Умуман, бугунги китобхон учун Норхол хола ҳам, Кар момо ҳам салбий образ сифатида таассурот қолдирмайди. Умуман, адиб мавзуни реал ҳаётдан олади. У адабиёт – инсонни кашф этиш тамойили асосида инсонни, унинг кўнгил кечинмаларини бадиий акс эттиради. Уни инсоннинг тақдири, кадр-қиймати, маънавий олами, орзулари, қайғу ва дардлари қизиқтиради.

Бобнинг «Қиссаларда услуб ва тасвир маҳорати, маънавий-тарбиянинг бадиий акс этиши» фаслида Нодир Норматов қиссалари таҳлилга тортилади. Маълумки, услуб бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Ҳар бир ижодкорнинг бадиий маҳорати унинг индивидуал услуби билан ҳам белгиланади. Яъни «унинг ўзига хос бой ҳаётий тажрибаси, нарсаларга, воқеа-ҳодисаларга бўлган ўз қарашини, нуқтаи назари, гўзаллик ва хунукликка нисбатан тушунчалари, симпатия ва антипатияси, таъби, диди ва интилишлари»<sup>14</sup> орқали намоён бўлади.

Н.Норматов ҳам ўз тенгдошлари сингари бу жанрда самарали ижод қилди. «Бисот», «Муқаддас балиқлар эгаси», «Жазо», «Дарахт тагидаги одам», «Исмоил тоға тарозиси» қиссалари мавзуси, сюжети, услуби

<sup>13</sup> Норматов Н. Кар момо/Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.388.

<sup>14</sup> Адабиёт назарияси. II-жилдлик. Адабий ижодда услуб. II-жилд. – Тошкент: Фан, 1979. – 158-б.

жихатидан бир-бирига ўхшамайди. Аммо уларда адибнинг ўзига хос дастхати – услуби, воқеликка ёндашуви яққол намоён бўлиб турганини англаш қийин эмас.

«Бисот» қиссасида адиб ретроспектив баён, яъни орқага қайтиб ҳикоя қилиш услубидан кенг фойдаланади. Бунда воқелик Қобил лашкар ҳаётининг унинг хаёл призмаси, хотиралари орқали тасвирланади. Бундай услуб қаҳрамоннинг умр йўли, ички изтиробларини яққолроқ кўрсатишга қўл келади. Қобил лашкарнинг бир вақтлар «босмачи» тўдасида бўлгани учун ҳатто ўз яқинлари ҳам кечиринмаган. Собиқ тузум даврида «босмачи»ларга нисбатан босқинчи сифатида қаралган. Халқ онги ҳам шу қараш билан шакллантирилган. Истиқлол йилларига келиб эса «босмачилар» аслида озодлик, эрк учун курашган халқ қаҳрамонлари эканлиги ҳақидаги ҳақиқатлар тикланди. Уларга бўлган қарашлар ҳам бугунга келиб ўзгарди.

Лекин Қобил лашкарни унга бўлган муносабатлар, қарашлар изтироби қийнайди: «Акаси, қавм-у қариндошлари ҳам Қобил лашкарни бир пайтлар Барот кал тўдасида бўлгани учун у билан борди-келди қилишмас, ҳали ҳам алланарсадан ҳадиксирабми ёки унинг қайсар феъл-атвори сабабми, тўймаъракаларига ҳам деярли аралаштирмас эди». «Хукумат кечирди, менинг ҳолимни тушунди, лекин булар...буларда тарикча шафқат йўқ! – деб кўнглидан ўтказди Қобил лашкар йўл-йўлакай қавм-у қариндошларини айблаб. – Майли, тақдиримда бордирки»<sup>15</sup>.

Ёзувчи «Бисот» қиссасини ички драматизм асосида қуради. Воқеаларни қаламга олишда майда деталлар ва тафсилотларгача тасвирламайди. Қаҳрамон ҳаётининг энг эътиборли жиҳатларини очиб беради. Воқеалар ривожини давомида бизга Қобил лашкар қиёфасининг турли қирралари намоён бўлиб бораверади. «Бисот» қиссасида қатор фазилатлар, бадиий кашфиётлар баробарида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Асарда Қобил лашкарнинг хотини Ойгулнинг нима сабабдан қизи Барнони ташлаб кетиб қолганлиги сабаби очиқланмай, етарлича асосланмай қолинган. Қолаверса, ўғли Омон билан муносабатида совуққонлик, носамимийликнинг сабаблари очилмаган.

Нодир Норматовнинг «Дарахт тагидаги одам» қиссаси ўз услуби билан унинг бошқа қиссаларидан ажралиб туради. Асар анъанавий реалистик услубда яратилган бўлса-да, унда мифологик, халқ дostonларига хос элементлар қоришиб кетган. Қиссада бадиий шартлилик воситаси етакчилик қилган. Бадиий шартлилик фольклор асарларида кенг учраса-да, ёзма реалистик асарларда ҳам қўлланилади. «Дарахт тагидаги одам» қиссаси ноанъанавий йўлда ёзилган реалистик асар. Гарчи мотиви, сюжети фольклор анъаналари асосида яратилган бўлса-да, воқеалар реал дунёда бўлиб ўтади. Эсонбойнинг шартларни бажариши йўлидаги ҳаракатлари бир восита, холос. Ота ва ўғил, ака ва ука муносабатларида одамларнинг турли қиёфалари намоён бўлади. «Дарахт тагидаги одам» қиссасида ҳаёт фалсафаси, инсон ва табиат муносабатлари, оламнинг сирларга тўла эканлиги кабилар ўз бадиий

<sup>15</sup>Норматов Н. Бисот: Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б. 19.

ифодасини топган. Эсонбой нега кумуш ёнғоқларга эга бўлишга интилди? Кумуш ёнғоқ аслида рамзий тимсол. У тобора йўқолиб бораётган қадриятлар, анъаналар, меҳр-оқибат, самимийлик. Эсонбой шу кумуш ёнғоқларни олиб, шу қадриятларни қайтармоқчи. Унинг учун кумуш ёнғоқлар бахт тимсоли. Умуман, Нодир Норматов қиссалари услуб, ифода, тасвир жихатидан бири-бирини такрорламайди. Уларда бадиийликнинг турли ифода воситаларидан маҳорат билан фойдаланади.

Ишнинг учинчи боби «**Нодир Норматов романларининг бадиияти**» деб аталади. Ушбу бобда ёзувчи романлари таҳлилга тортилган. «*Кўзгудаги икковлон*» романида образлар табиати» фаслида мазкур романнинг бадиий ўзига хосликлари очиқ берилган. «Кўзгудаги икковлон» романи ўзининг бадиий моҳияти ва композицион тузилишида ўзига хос хусусиятларга эга. Роман уч қисм ва уларнинг ҳар бири номланган алоҳида боблардан ташкил топган. Ҳар бир бобда муайян воқелик, қаҳрамон тақдири ҳикоя қилиниб, улар яхлит ҳолда романнинг умумий сюжет линиясини ташкил этади. Романда бир неча қаҳрамон ҳаёти, ўй-фикрлари, хаёллари, орзу-армонлари, дард-у қувончлари, тафаккури, кечинма ва туйғулари билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Гарчи асар марказида асосий бош қаҳрамонлар мавжуд бўлса-да, ҳикоя қилинаётган воқеалар ривожини фақатгина уларнинг фаолияти билангина эмас, балки бир неча қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, кўрган кечирганлари, хотираларининг бадиий талқини орқали тасвирланади. Ёзувчининг бадиий нияти инсоннинг чигал, аччиқ тақдирини тасвирлаш орқали, оддийгина кўринган, лекин аслида аянчли ва нохуш оқибатлар, фожиаларга сабаб бўладиган воқеаларнинг илдизларини кўрсатиб беришдир. Романда бир неча тугун, жумбоқлар берилганки, улар асар воқелиги давомида очилиб боради. Адиб уларнинг ечимини бирданига очмайди. Уларда дедектив рух, оҳанг етакчилик қилади. Бу усул китобхонни ўзига эргаштиради, қизиқтиради. Роман воқелиги Сурхондарё, Тошкент ва Ленинградда кечади. Асосий воқелик Пана қишлоғида бўлиб ўтади. Пана Сурхоннинг Кўҳитанг тоғолди қишлоқларидан бири. Албатта, бу рамзий, адабий макон учун ўйлаб топилган ном. Нодир Норматовнинг барча асарларига адабий макон сифатида ўзи туғилиб ўсган, болалиги кечган Кўҳитанг тоғолди қишлоқларини танлайди. Улар асарларида турлича ном билан аталса-да, яхлит ҳолда бир маконни билдиради. Бошқа асарларида бўлгани сингари «Кўзгудаги икковлон» романида ҳам бу ерда яшовчи одамларнинг турфа табиати, урф-одат ва анъаналари акс этади. Пана қишлоғида азалдан дангона ўтказилиб келинади. Романда ана шу дангона асар воқеалари ривожини ҳаракатлантирувчи восита вазифасини бажарган. Аслида, дангона ўзбек халқининг энг қадимий анъаналаридан бири ҳисобланиб, у ҳозирга қадар сақланиб келинади. Дангона – оммавий ҳашар. Асосан, дангонада одамларнинг оғир юмушлари, уй қуриш, том суваш кабилар қишлоқ аҳли томонидан биргаликда бажарилган. Дангонадан сўнг ўйин кулгу, базм уюштирилган. Дангона фақат шу билан чекланмайди. Дангонада қишлоқнинг ариқлари қазилган, қабристонлари тозаланган, ёлғиз кексаларнинг уйлари таъмирлаб берилган. Бунда қишлоқ аҳли буларни ўзаро



хамжихатликда бажарган. Тўй-маърака, сайл ва байрамлар ҳам аҳилликда ўтказилган. Собик шўролар тузуми даврида дангонага ҳам бошқа кадрият, удумлар сингари эскилик сарқити сифатида қараб келинган.

«Кўзгудаги икковлон» романида дангона сабаб асар қаҳрамонларининг тақдири ўзгариб кетади. Дангона асар қаҳрамонларини, сюжетини бири-бирига боғлаб туради. Асар сўнггига қадар дангона воқеалар марказида туради. Адабий этнографизм мотиви асар моҳиятини очиб бера олган. Биламизки, инсон ҳаётида бир марта кўзгуга икки киши бўлиб қарайди: **никоҳ кечасида. Айнан, асар кулминацияси ҳам шу номланиш билан боғлиқ.** Нодир Норматов «Кўзгудаги икковлон» романида реализмнинг кенг қатламлилигини намойиш этади. Унда инсонни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсулигина эмас, балки борлиқнинг илоҳий бир хилқати тарзида кўрсатади.

